



КАМБАГИЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШДА ИСЛОМИЙ МИКРОМОЛИЯ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ САМАРАДОРЛИКЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Маматкулов Ҳумоюн Бобир-угли

Ташкент давлат иқтисодиёт университети

Инсон ресурсларини бошқариш бўлими рекруттери, мустақил изланувчи khumoyun199903@gmail.com

ARTICLE INFORMATION

Volume: 1

Issue: 6

DOI:https://doi.org/10.55439/INSURE/vol1_iss6/a5

ABSTRACT

Мазкур маколада жаҳондаги ислом молияси ва микромолияси тушунчасининг назарий ва илмий асослари, ислом микромолия тармогининг дунё мамлакатлари банк-молия секторидаги ўрни, мамалакатимизда исломий микромолия тизимини кенг жорий қилиш истиқбооллари, бугунги кунда фаолият олиб бораётган иломий молия компаниялари таҳлиллари келтирилган. Ислом молияси ва микромолия хизматларини республика худудида мавқеини мустаҳкамлаш ҳамда унинг имкониятларини кенгайтириш масалалари ҳамда ушбу молия турини миллий иқтисодиёт тараққиётiga таъсири орқали камбагалликни қисқартириш даражаси бўйича фикрлар юритилган.

KEYWORDS

“Ислом молияси”, “ислом микромолияси”, “исломий микромолиялаштириши ташкилотлари”, “хиссадорлик”, “камбагалликни қисқартиши” я.

Кириш (Introduction/Введение).

Бугунги кунда жаҳонда молия ва банк тизимларини мұқобил молиявий воситаларни амалга киритиш орқали ахолининг молиявий ресурсларга бўлган эҳтиёжини қондириш ва молиявий хизматларни диверсификациялашга эътибор қаратиб келинмоқда. Бугунги глобаллашув шароитида ислом молиясини кенг кўллаш инсонлар учун мұқобил молия тизими сифатида унинг яшовчанлигини намёён қилди. Ислом молиясини ривожлантириш индикатори – IFDI 2022 йилда эълон қилган ҳисоботига кўра, ислом молиявий хизматлар саноати жами активлари ҳажми

2021 йилда карийб 4,0 трлн. АКШ долларини ташкил этди, бу 2020 йилга нисбатан 17 фоизга кўпdir, Буюк Британияда ислом молиявий активлари 19,0 млрд.долларни, Швейцарияда 6,0 млрд.долларни ташкил этган. Ислом банкинги, ислом фондлари ва ислом капитал бозори тармокларида барқарор ўсиш суръатлари мұқобил молия муассасаларини ташкил этиш, молия бозорида соғлом рақобат мухитини шакллантиришни тақозо этмоқда. [1].

Бутун мамлакатимизда ислом молияси хизматларини жорий этиш зарурити ва уни ривожлантириш имкониятларини тақомиллаштириш бўйича амалий ишлар талаб даражасида олиб борилмаётганлиги ушбу йўналишга инвестиция оқимларини секинлаштириш билан бир қаторда, ахолининг асосий қисми ислом дини қадриятлари билан яшайдиган бир даврда Ўзбекистонда ислом молияси хизматлари учун нобайни кредит ташкилотлари тақлиф килаётган хизматлар талабдан жудайм пастлиги хисобланади. Бу эса яширин бозорда ислом молияси хизматларини шариатдан йирок бўлган факат молиявий ташкилотларни йоки хизмат кўрсатувчini фойдасига хизмат килаётган, мулкни зарари факат мижозни бўйнига тушиб келаётган кўплаб ноқонуний хизматларни яратилишига олиб келмоқда. Шунинг учун биз мамлакатда исломий микромолиялаш ташкилотларини сонини ва уларнинг хизматларини сонини ва сифатини кўпайтириб, уларни давлат ва шариат ташкилотлари билан доимий ҳамкорлик қилишига, ахолини ўзларининг талабаларидан келиб чиқиб исломий молия ва микромолиялаш хизматларини эркин

танловини амалга ошириш учун барча қуладикларни яратиш учун мазкур илмий тадқикот ишини олиб борганимиз.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили (Literature review/Литературный обзор). Исломий микромолия дунё бўйлаб қашшоқликка карши курашда кучли молиявий механизм сифатида дунё олимлари томонидан истиқболли стратегия сифатида қаралмоқда. Исломий молиялаштириш асос бўлган асосий тамойиллар ва амалиётлар VII асрнинг бошларига тўғри келади. Бу, албатта, янги ҳодиса эмас. Бироқ дунёда Микромолия концепциясига асос солиниши XX асрнинг иккинчи яримга тўғри келади. Нобел мукофоти лауреати, профессор Мухаммад Юнус 1976-йилда биринчи бўлиб микромолияни ҳаётга татбиқ этган. Ўша даврдан ҳозирги кунгача ушбу молия тизими кўпчилик томонидан қабул қилиниб, тақомиллаштириб борилмоқда. Турли мамлакатлардаги ташкилотлар, асосан ривожланётган дунёда қашшоқликка карши кураш ва қишлоқ иқтисодиётини яхшилаш учун асосий молиявий воситаларидан бири сифатида фойдаланилмоқда. Микромолиянинг пайдо бўлишининг асосий сабаби қашшоқлик даражасини камайтириш, даромади кам бўлган ахолини молиявий хизматлардан фойдаланишга имконият яратиш эди, аммо кейинчалик у ўйналишини ўзгартириб факат фойда олишга кўзланган механизм сифатида фойдаланиб келинмоқда [2].

Исломий микромолиялаш асосида хизмат кўрсатиладиган дастурлар сўнгти йилларда ҳаљаро иқтисодий ташкилотлар ва мамлакатлар хукуматлари томонидан кам таъминланган мамлакатларда ёки уй хўжаликларида қашшоқликни юшратишнинг асосий стратегияси сифатида илгари сурilmоқда.

Ислом микромолияси асосида молиявий хизматлар кўрсатиши ташкил этишига, уни мамлакатда ривожлантириш истиқболлари юзасидан ўзбек иқтисодчи олимлари томонидан кам эътибор берилмоқда. Кам сонли маҳаллий иқтисодчилар ушуб молиявий тармокни ривожлантириш борасида илмий иўланишлар кильмоқда. Хусусан иқтисодиёт фанлари доктори А.С. Турсунов исломий микромолияни ривожлантириш борасида бир нечта мақолаларни

эълон килган. Хусусан, “Исломий микромолия ташкилотлари икки гурухга тижорат ва нотижорат шаклларига бўлинади. Тижорат шаклига микрокредит ва микроулуш (шерикчиликка асосида тадбиркорлик килиш) киради. Нотижорат шаклларига Вақф фонdlари киради. Исломий микромолия ташкилотлари юкоридагилардан ташқари микроарзларни факат шариатда рухсат берилган (халол) йўналишлардагина бериши мумкин” дега фикр билдирган [3].

Дунё олимларининг исломий микромолия тармоғи тушунчаси ва унга берилган таърифларни хам келтириб ўтишин жоиз деб билдиқ. Хусусан, Брандсма ва Буржоржи микромолияни шундай тавсифлайди [4]:

1. Тижорат банкларига кириш имконига эга бўлмаган кам таъминланган тадбиркорларга эътибор қаратиш;
2. Гаров ва инвестициялар ўрнини босувчи норасмий баҳолашдан фойдаланган ҳолда қарз олувчиларга кичик, қисқа муддатли ва тақрорий кредитлардан оддий ва кулагай фойдаланиш имкониятини яратиш;
3. Кичик омонатларни кўйишини осонлаштирадиган, кулагай депосит ва уни тез ликвид килиш имкониятига эга бўлган ихтиёрий жамгарма хизматларини кўрсатишни назарда тутади.

Валтерсга кўра, ислом микромолия институтлари моҳиятган ислом тамойиллари асосида фаолият юритувчи молиявий муассасалардир. Ушбу молиявий муассасалар бир нечта кадрияларга эга: судхўрлик (риба) ва ҳаддан ташқари ноаниклик (ғаҳар), барча фаолиятдан рухсат этилган максадларда фойдаланиш талаби (халол) ва фойда ва зарари тақсимлашни амалга ошириш [5].

Кулкарни эътирофича, исломий микромолиялаш ривожланаётган мамлакатларда аёлларнинг имкониятларини кенгайтириш ва қашшоқликни бартараф этишнинг кучли воситаси сифатида тан олинган. Аёллар йирик микромолиявий дастурларнинг асосий иштироқчиларирид, чунки улар жамиятнинг энг қашшоқ сектори сифатида тан олинган [6].

Тадқиқот методологияси (Methods/Методы).

Илмий тадқиқотни амалга оширишда индукция, дедукция, синтез каби усуллардан фойдаланилган. Шунингдек, исломий микромолия ташкилотлари фаолиятини таҳлил қилинда ҳалқаро тажрибалар ва мамлакатимиздаги “IMAN HALAL kommandit shirkati” коммандит ширкати томонидан бошқариладиган “Iman Invest” лойихаси имкониятларининг салоҳияти ёритилган.

Тахлил ва натижалар (Analysis and results/Анализ и результаты).

Анъанавий банк ва молия муассасалари пулни товар сифатида эътироф этадиги, улар пулни қарз юқи ожарага бериш орқали фойда кўриш масаласини биринчи ўринга кўйишиди, молиялаштирилаётган лойихалар доирасидаги активларга эса бу уларга бевосита алокази бўлмаган иккиласми масала сифатида карашади, чунки улар инвестиция ва тижорат лойихалари натижасидан катъый назар кафолатланган фоизни даромад сифатида олишади. Ислом молиясида эса аксинча, пул товар ва савдо молия сифатида тан олинмайди, унинг биргина алмашинув вазифаси бор холос. Ислом молиявий муассасалари пул эвазига ички қийматга эга бирор активнинг устига устама – фойда кўйиб сотиш эвазига ёки бизнес лойихаларига сармоя ва шерик сифатида пул киритиб фойда олишади [7].

Исломий микромолиялаш ислом молия бозори тамойилларига мос келадиган хамда кам таъминланган жисмоний шахслар ва кичик бизнес субъектларининг эҳтиёжларини кондириладиган молиявий хизматлар кўрсатиш орқали мухим рол ўйнайди. У Исломий молия тамойилларини анъанавий микромолиялаш контсептсияси билан бирлаштириб, шариат мувофиқ молиявий ечимларни афзал кўрган мусулмон жамоалари ва бошқалар дуч келадиган молиявий инклузивлик муаммоларини ҳал килади.


Исломий микромолияси мамлакатларда қашшоқликни камайтириш, ишсиз аҳолини иш билан банд қилишда, айниқса, аёлларни иш билан таъминлашда уларнинг тадбиркорлик лойихаларини бошлашда мухим молиявий элемент бўлиб хизмат килиши мумкин. Исломий микромолияси молиявий хизматларни шариат принциплари асосида тақдим этади. Анъанавий микромолиядан устунлиги рибо ва гарарни тақиқланганлиги, шунингдек ўта қашшоқ аҳолига қайтармаслик шарти билан бериладиган, закот, садақа каби хизматларни ўз ичига олганлиги

билиан тавсифланади. Олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, Исломий микромолияси анъанавий микромолияга нисбатан қашшоқликни камайтиришда самаралироқ эканлиги ҳамда жамият фаронолигини ошириши аниқланди. Бунинг сабаби эса исломий шариати тенгсизлики тақиқлашидир [8].

Бугунги кунда Ислом молиясини ривожлантириш индикатори – IFDI (2022) хисоб-китобларига кўра, дунё миқёсида 800 га яқин исломий микромолиялаш ташкилотлари мавжуд бўлиб, уларнинг активларининг миқдори 170 млрд. АҚШ долларини ташкил этмоқда. 2021 йилда ушбу молия тизмининг ўсиши

5 % га етган. Бу 2020 йилги 0,85 % га нисбатан катта ўсишдир.

Йил давомида мазкур молия тизими активларининг энг тез ўсиши Козогистон (44%), Миср (38%) ва Малдив ороллари (31%) томонидан кайд этилган. Бу ўсишлар молия тизими учун яхши натижада беради, чунки Миср ва Козогистонда мусулмонлар сони кўп ва глобал исломия саноатида ўсиб бораётган давлатлардир. Бошқа ўсиш бозорлари Индонезия (18%), Саудия Арабистони (17%) ва Катар (16%) кайд этилди [1]. Қўйида исломий микромолиялашнинг активларини ўсиш тенденциясини келтириб ўтамиз.




1-расм. Исломий микромолиялашнинг активлари кўрсаткичи, йиллар кесимида¹. (млрд. АҚШ долларлари)

Манба: Ислом молиясини ривожлантириш индикатори – IFDI (2022) асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

Кўриб турибмизки, исломий микромолиялаштириш бир қанча турғунликдан кейин ўзининг яхши ўсиш тенденциясини амалга оширмоқда. Албатта бу жараёнда хукуматлар кўллови ва кўмаги билан микромолиялаш тармоғини кенг ривожлантиrsa бўлади.

Исломий микромолиялаш ташкилотларининг географик чекланган имкониятларига қарамай, ушбу сектор ниҳоятда хилма-хил бўлиб, на ислом банклари, на Такофул ва на Сукук компаниялари бўлмаган 100 дан ортиқ шариатта мувофиқ микромолиялаштириш ташкилотларининг кенг доирасини ўз ичига олади.



2-расм. Мамлакатларда исломий микромолиялашнинг активлари кўрсаткичи, 2022 й. (млрд. АҚШ долларлари)


Манба: Ислом молиясини ривожлантириш индикатори – IFDI (2022) асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

Расм маълумотларидан кўриб турибмизки, микромолия тармоғи Малайзия, Эрон ва Саудия Арабистони хисобига жадал ривожланиб бормоқда. Ушбу мамлакатларнинг микромолия активлари (118 млрд. АҚШ долларлари) жами микромолия активларининг (178 млрд. АҚШ долларлари) 67 фоизини ташкил кўлмоқда.

Ўзбекистонда исломий микромолия хизматларини кўрсатиш 2022 йил 20 апрелда қабул килинган “Нобанк кредит ташкилотлари ва микромолиялаштириш фаолияти тўғрисида”ти Ўзбекистон Республикаси Конунидаги мумкинлиги белгилаб кўйилган. Хусусан ушбу конуннинг 4-моддасида микромолия ташкилотлари исломий молиялаштиришга оид хизматларни кўрсатишга ҳақли эканлиги белгилаб берилган.

Бугунга келиб мамлакатимизда ислом молия хизматларини татбиқ этиш жараёнлари бироз бўлсада тезлашган. Бугун микромолия ташкилотлари билан бир каторда ширкат хўжаликлари томонидан ҳам исломи ҳоли хизматларини шерикчилик асосида кўрсатиб келмоқда. Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик ширкатлари тўғрисида”ти конунгига мувоффик ширкатлар ҳам ўзаро улушлар кўшиб исломий молия хизматларини амалга ошириши ҳам амалга ошириш мумкин. Ушбу конунгинг 3-моддасида “Муассисларнинг (иштирокчиларнинг) улушларига (хиссаларига) бўлинган устав фондига (устав капиталига) эга бўлган тижорат ташкилоти хўжалик ширкати хисобланади, бундай ширкатда муассислар (иштирокчилар) ёки улардан айримлари ширкатномонидан тадбиркорлик фаолияти юритишида шахсан иштирок этадилар” дей белгилаб кўйилган.


Ана шундай ширкатлардан “IMAN HALAL commandit shirkati” коммандит ширкатидир. У томонидан бошқариладиган “IMAN INVEST” лойиҳаси бугунги кунда ахолига ўзларининг шерикчилик асосидаги молиявий хизматларини тақдим этиб келмоқда. “IMAN INVEST” лойиҳаси ўзининг фаолиятини 2020 йилда онлайн платформада бошлаган бўлиб, бугунга кунда ракамли исломий банкинг бўйича илгор технология хисобланади. “IMAN INVEST” лойиҳасининг молиявий кўрсаткичлари билан танишадиган бўлсак мамлакатимизда исломий молияга қизикиш билдирувчилар сонини йилдан йилга ошиб боратганини кўришимиз мумкин.



3-расм. “Иман Инвест” компаниясининг устав фонди. млрд.сўм.

Манба: “Иман Инвест” компаниясининг молиявий хисоботлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

“IMAN INVEST” компаниясининг устав капиталига назар солсак, унда 2021 йилнинг 1-чорагидаги 1,08 млрд.сўмдан кисқагина 2 йил ичидаги яъни, 2023 йилнинг 4-чорагига 72 млрд.сўмга етиб, ўсиш даражаси рекорда даражадаги миқдорда, яъни 65 баробар ўсишга эришилди. Бу таҳлиллар “IMAN INVEST” компанияси томонидан хиссадорлик маблағларини самарали жалб қилганлигидан далолат беради.




3-расм. “Иман Инвест” компаниясининг соф фойдаси. млн.сўм.

Манба: “Иман Инвест” компаниясининг молиявий хисоботлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

“IMAN INVEST” компаниясининг соф фойдасини кўриб чиқадиган бўлсак, унда компания 2021 йилда 113 млн.сўм соф фойда олиб хиссадорларга тақсимланган бўлса, мос равища бу кўрсаткичлар 2022 йилда 5 294,0 млн.сўмни ва 2023 йилда 11 825,0 млн.сўмни ташкил этиб соф фойданни ўсишига ва мижозларнинг ишончига сазовор бўлмоқда. Сой фойданинг ўсиш даражаси йилига ўтгача 250 %.

“IMAN INVEST” компаниясининг янги хиссадорлари сонига назар ташласақ, компаниянинг хизматларига кизинчи билдириб унинг хизматларига инвестиция тикаётган мижозлари сони ошиб бораётганини кўришимиз мумкин. 2021 йилнинг бутун даври давомида 2200 дан ошик янги хиссадорлар компанияга инвестиция



3-расм. “Иман Инвест” компаниясининг янги инвесторлари (хиссадорлари) сони. киши.

Манба: “Иман Инвест” компаниясининг молиявий хисоботлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

киритган бўлса, 2022 йилнинг 4-чорагига 4985 нафар ҳамда 2023 йилнинг 1-чорагига 8130 нафар янги инвесторлар пул тикканини инобатта олсақ, бу компания учун жуда омадли давр бўлди деб хисобласақ бўлади. Қисқача килиб айтганда “IMAN INVEST” компанияси мисолида мамлакатимиз аҳолиси орасида исломий молияга оид хизматлар учун талаб юкорлигини ҳамда бу соҳага кизиқиши билдираётган кўплигини кўришимиз мумкин.

Бу компания ва яна шунга ўхшаш санокли компаниялар хозирги кунда мамлакатимиз фуқароларига ислом молиясининг кичик бир бўлими орқали молиявий хизмат кўрсатиб келмоқда. Лекин мамлакатдаги жорий талабни ушбу молиявий компанилар тақлиф килаётган молиявий хизматлар кондириб бера олмаслиги очик-ойдин равшандир. Мамлакатда молиявий инклузивлик, даромади паст кишилар ҳам молиявий рерурслар жалб килиб кичик бизнес билан шугулланишлари учун ислом молияси асосида хизматлар кўрсатувчи микромолия ташкилотларини ташкил этиш бугуннинг давр талаб деб хисоблаймиз.

Хуласа ва тақлифлар: Юкорида амалга оширилган таҳлиллардан келиб чиқсан ҳолда хуласа килиш мумкин, исломий микромолия иктисодийнинг барқарорлигини таъминлаша ва инвестицийнин маёнга сифатида хизмат килиши ҳамда ахолини ижтимоий химоясини таъминлаши билан етакчи тармок даражасига кўтарилиши учун давлатнинг ташаббускорлиги ҳамда ушбу соҳани имлй жихатдан доимий равища ўрганиш талаб этилади.

Шунингдек исломий микромолия тизимини таъбиятни кўйидаги иктиносидӣ, ижтимоий ва сиёсий мақсадларга эришиш имкониятни беради:

- ўз диний эътиқоди туфайли анъанавий банк-молия муассасалари фонзли кредитларидан фойдаланмайдиган аҳоли ва бизнес вакилларини исломий микромолия тизимига жалб килиш ва шу орқали уларнинг иктиносидӣ-ижтимоий фаоллигини ошириш;

- ислом молияси йўналишда фаолият юритувчи микромолия муассасаларини кўпайтириш ва шу орқали даромади паст кишиларни ва хотин-қизларни ўз бизнеслари билан шугулланишлари учун имкониятлар яратиш;

- хорижий ислом молия муассасалари, халқаро ислом молия ташкилотлари ва ИХТга аъзо давлатлардан инвестициялар ва маҳаллий тиҷорий/инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш учун молия маблағлари (линиялар) жалб килиш;

- ислом ижтимоий молия тизимини (биринчи навбатда вакф ва зикот) ривоҷлантириш орқали аҳоли ижтимоий химоясини кучайтириш;

- фуқароларнинг давлаттага бўлган ҳурмати/садоқати ва ватанпаварлик туйғусини кучайтириш;

- фуқароларнинг диний (виждон) эркинлигини таъминлаш орқали ҳукуматнинг халқаро ҳуқуқ ташкилотлари ва дунё ҳамжамияти олдида сиёсий обрўсими ошириш;

- янги йўналишда мутахассислар етиштиришни йўлга кўйиш ва шу орқали ислом иктиносидиёти ва молияси ҳамда ислом молия фикҳи йўналишларида имлй фаолиятини кучайтириш, Ўзбекистон манфаатларини халқаро майдонда ҳимоя килиши мумкин бўлган мутахассислар “экспортини” йўлга кўйиш.

References:

1. Ислом молиясини ривожлантириш индикатори (IFDI) (2021). https://www.refinitiv.com/content/dam/marketing/en_us/documents/gated/reports/ifdi-report-2022.pdf.
2. Susan Johnson (2009). "Microfinance is dead! Long live microfinance. Critical reflections on two decades of microfinance policy and practice". Published in Centre for Development Studies, University of Bath, UK.
3. Tursunov, S.A., 2022. Islom mikromoliya tashkilotlarini tashkil qilishning iqtisodiy zarurligi. Formation of psychology and pedagogy as interdisciplinary sciences, pp.49-53.
4. Brandsma, J., & Burjorjee, D. (2004). Microfinance in the arab states. United Nations Capital Development Fund, www. undcf. org.
5. Walters, B. (2011). Islamic microfinance: Sustainable poverty alleviation for the Muslim poor. Conn. Pub. Int. LJ, 11, 255.
6. Kulkarni, V. S. (2011). Women's empowerment and microfinance: An Asian perspective study. Occasional Paper, 13, 1-42.
7. Байдаulet Э.А. (2019). Иломий молия асослари. Илмий-оммабоп нашр. "O'zbekiston" нашириёт-матбаа ижодий уйи.
8. Исломий молиялар ва банк тизими. (2014). Таржимон: Ботирхўжа Жўраев. – Т.: O'zbekiston. – 464 б.
9. "ИМАН ҲАЛАЛ коммандит схиркати" коммандит ширкати томонидан бошқариладиган "Iman Invest" лойиҳаси сайти (2023). imaninvest.com.
10. Бизнес ва молия янгиликлари сайти (2021). www.zawya.com
11. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки сайти (2023). www.cbu.uz..